## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**
№ вм – 343 - 5А3406012 – 2.08
« 1 » Июль **2003 й**

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус**
**таълим вазирлиги**

_______________
« 8 » Июль **2003 й**

# ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИДА ЛИЗИНГ
## фанидан
# ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 —«Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги 5А3406012 — «Капитал қўйилмаларни м.олиялаштириш ва уларнинг мониторинга» магистратура мутахассислиги учун**

**Тошкент-2003**

**Тузувчилар:** проф. Ангелиди М. С.
доц. Каримов Н. Ғ.,
доц. Жўраев А. С

**Тақризчилар:** доц. Собиров О. Ш.,
к. ўқ. Султанов М. А.

«Инвестицией фаолиятда лизинг» фанида лизинг муносабатларининг назарий ва ҳуқуқий асослари, унинг мазмуни, моҳияти, лизинг операцияларининг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг иштирокчиларининг лизинг муносабатлари бўйича бурчлари ўрганилади. Ушбу фанда лизинг бўйича жаҳон тажрибаси, Ўзбекистан Республикасида лизинг институтларининг таркиб топиши, лизинг ҳуқуқчилигининг йўлга қўйилиши, лизинг турлари, лизинг шартномаларининг амалга оширилиши, лизинг иштирокчиларининг муносабатлари, лизинг операциялари бўйича лизинг тўловлари таркиби, уларни ҳисоблаш усуллари, лизинг муносабатлари бўйича ўзаро иқтисодий ва молиявий жарималар, лизингни Ўзбекистон иқтисодиётида ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари ёритилади.

Дастурда лизинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинт махсус услуби, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг янги ноанъанавий манбаи, банк кредитига нисбатан қўйиладиган молиялаштириш воситаси сифатида кўрилади, унинг кредит муносабатларига ва бошқа манбалар эвазига молиялаштиришга нисбатан афзалликлари ҳамда камчиликлари очиб берилади.

В дисциплине «Лизинг в инвестиционной деятельности» даются теоретические и правовые основы лизинговых отношений, суть, сущность, участники лизинговых операций, их права и обязанности, долг участников лизинговых операций по лизинговым отношениям. В ней раскрываются мировой опыт лизинга, становления лизинговых институтов в Республике Ўзбекистан, виды лизинга, осуществление лизинговых контрактов, взаимоотношение участников лизинга, состав лизинговых платежей по лизинговым операциям, проблемы развития и усовершенствования лизинга в экономике Ўзбекистана и другие вопросы

Лизинговые операции рассматриваются как особая методика финансирования инвестиционной деятельности, как новый нетрадиционный источник финансирования инвестиций в условиях рыночной экономики, как средство финансирования в отношении к банковскому кредиту, а также раскрываются преимущества и недостатки лизинга по отношению к кредитным операциям с другими источникам финансирования.

Course "Leasing in investment activity" theoretical and law basis

of leasing relations, its meaning, participants of leasing operations, their rights and obligations, the debt of leasing relations participants are represented. The world leasing experience, organization leasing institutions in the Republic of Uzbekistan, leasing issues, realizing leasing contracts, relations of leasing participants, framework of leasing payments in its operations, development and affectivity problems and other matters in Uzbekistan economy are considered here.

Leasing operations are considered as special financing investment activity methodology, as new untraditional source of investment financing in the market economy conditions, as the tool of financing in relation to the banking credit and also discover the leasing advantages and disadvantages in relation to credit and other financing sources.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

# 1. СЎЗ БОШИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг муносабатларини ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этади. Инвестиция фаолиятида эса лизингни қўллаш ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришда ўта муҳим вазифани бажаради. Бу, ўз навбатида, лизинг муносабатлари жараёнини ўрганиш ва уни Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Лизингни инвестицияларни молиялаштиришнинг янги, анаънавий бўлмаган манбаи сифатида қўллаш мамлакатнинг техник юксалишини таъминлаб бера олади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

«Инвестицией фаолиятда лизинг» фанини ўқитишнинг асосий мақсади магистрантларга инвестиция фаолиятида қўлланилувчи лизингнинг мазмуни, мақсади, йўналиши ва истиқболларини ўргатишдан иборатдир. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси инвестиция фаолиятида лизингнинг моҳият-мазмунини, мавжуд инвестиция муҳитини, хорижий инвесторларга нисбатан инвестиция сиёсатининг келгусидаги йўналишини, лизинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш, уни ривожлантириш ва шу йўналишдаги ишларни ўргатиш ҳисобланади.

Мазкур фан «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти», «Давлат инвестиция сиёсати», «Марказлаштирилган инвестициялар ва уларни молиялаштириш», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми», «Инвестицион таҳлил», «Инвестиция лойиҳалари мониторинги» каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, магистрантлардан ушбу фанларни ҳам ўзлаштиришлари талаб этилади.

Ўқув фани бўйича билим. кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция ва лизинг соҳасига оид қонунчиликдаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

«Инвестицион фаолиятда лизинг» ўқув фани бўйича магистрантлар куйидаги масалаларни билишлари лозим:

- инвестиция фаолияти;
- лизингнинг мазмуни ва мақсади, лизинг тарихи;
- лизинг муносабатларининг назарий асослари;
- Ўзбекистон Республикасида лизинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий - ҳуқуқий асослар;
- республикамизда хорижий инвесторлар учун яратилган инвестиция муҳити ва лизингнинг иқтисодиётда қўлланилиши;
- лизинг турлари ва унинг тавсифлари;
- лизингнинг афзалликлари ва камчиликлари;
- лизинг муносабатларининг жаҳон тажрибаси;
- лизинг шартномалари мазмуни ва уни тузиш тартиби;
- Ўзбекистонда лизинг институтлари фаолияти;
- лизинг туловлари таркиби;
- лизинг жараёнини бошқариш;
- лизинг муносабатлари самарадорлигининг таҳлили;
- лизинг муносабатларидаги мавжуд муаммолар.

Магистрантлар мазкур ўқув фани бўйича юқорида қайд этилган масалалар бўйича тасаввурга эга бўлишлари, билимларини амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билиши керак.

Шунингдек, улар компьютерлардан ва бошқа замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Пухта ўқитиш жараёнида назария билан амалиётни таққослаш усулларини, магистрантларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш билан бирга уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш зарур.

«Инвестицион фаолиятда лизинг» фанидан олган билимлар магистрантларга олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида ҳам қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистрантлар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича магистрантларнинг даре жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

**Аудитория машғулотлари бўйича тавсиялар**

Ўқув режасида фанга жами 60, шу жумладан, 20 маъруза, 20 амалий ва 20 мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрг.аниши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Уларнинг олган билимларини баҳолашда оғзаки ёки ёзма усуллар қўлланилади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишда ҳар бир семестрда икки маротаба жорий, икки маротаба оралиқ ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин. Охирги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информацией ва бошқа замонавий ўқитиш тсхнологияларини қўллаш

Қуйидагилар «Инвестицион фаолиятда лизинг» фанини ўқитишда фойдаланиладиган компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

- ўқув максадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини тест (назорат) топширикларига кўчириш;
- тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, сайт ва компьютер дастурларидан фойдаланиш.
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш, ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;

- магистрантларга ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда лизинг муносабатларига оид қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, низомлар ва лизинг операциялари самарадорлигини баҳолашнинг компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" йўналишида биринчи семестрда ўқитилиши режалаштирилган. Ву фанни ўқитишдл лизинг соҳасига оид ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар, йўриқномалар, низомлар ва лизинг операциялари самарадорлигини баҳолашнинг компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин.

«Инвестицион фаолиятда лизинг» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг ўқув жараёнида аудиторияда олган билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг тизими асосида баҳоланади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

«Инвестицион фаолиятда лизинг» фани бўйича ўқиладиган маъруза мавзулари:

Фаннинг предмети ва мазмуни. Лизинг муносабатларининг назарий асослари

Фаннинг предмети ва вазифалари. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Лизинг тушунчаси. Лизингнинг тараққий этиш тарихи. Лизингнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, унинг функциялари. Лизинг муносабатларининг объектлари ва субъектлари. Лизингнинг сифат жиҳатдан афзалликлари. Лизинг турлари. Тадбиркорлик фаолиятпини кенгайтпиришда лизингнинг ўрни. Лизинг ва кичик тадбиркорлик.

### Лизинг муносабатларининг жаҳон тажрибаси

Халқаро лизинг, унинг ривожланиши. Жаҳоннинг етук мамлакатларида лизингнинг тараққий этиши. Жаҳон лизинг бозори. АҚШда лизингнинг ривожланиши. Японияда лизинг муносабатлари. Ғарбий ва Марказий Европада лизинг муносабатларининг йўлга қўйилиши. Германия, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатларда лизингни ривожланиши. Халкаро молиявий лизинг тўгрисида Оттава конвенцияси.

### Ўзбекистонда лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминоти

Лизингнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда лизингни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. Лизингнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши. Лизинг муносабатларининг иштирокчилари. Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг учинчи шахслар фойдасига ўз хукукларидан воз кечиши. Лизинг иштирокчиларининг жавобгарлиги.

Лизинг шартномаларининг иқтисодий механизми (асослаш ва тайёрлаш ҳамда услубий жиҳатдан таъминлаш)

Шартнома - лизингнинг ҳуқуқий шакли. Лизинг шартномасининг мазмуни. Лизинг шартномаларини тузиш. Лизинг шартномаларининг шакллари. Лизинг олди-сотди

шартномаси. Асбоб-ускуналар билан таъминлаш шартномалари. Молиявий лизинг шартномаси. Кйфолат келишувномалари. Гаров шартномаси. Лизинг лойиҳасининг дастлабки экспертизаси ва уни ўтказиш тартиби. Лизинг асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари экспертизаси. Лизинг олувчи фаолиятини молиявий баҳолаш. Лизинг иштирокчиларининг амортизация сиёсати ва манфаатлари. Лизинг муносабатларининг иқтисодий самарадорлиги. Лизинг муносабатларида рискларни баҳолаш. Лизинг муносабатларини йўлга қўйишда рискларни тақсимлаш. Лизинг фаолиятини суеурталаш. Лизинг лойихасининг эксперт хулосаси.

**Ўзбскистонда лизинг институтларининг ривожланиши**

Лизинг институтларини ривожлантиришнинг объектив заруряти. Лизинг институтларининг тавсифи. Лизинг институтларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қарорлари. Ўзбекистонда лизинг институтларини ташкил этиш шакллари. Ўзбекистондаги лизинг институтларининг функциялари ва вазифалари.

**Лизинг тўловлари ҳисоби**

Лизинг тўловлари таркиби. Лизинг тўловларининг турлари ва шакллари. Лизинг тўловларини ҳисоблаш услублари ва услубиёти. Лизинг тўловлари шартлари. Мулкдан файдаланиш ва уни цайтариш.

Лизинг жараёнини бошқариш ва унинг самарадорлигини таъминлаш

Лизинг муносабатларини тартибга солиш шакллари. Лизингни бошқаришнинг ташкилий шакллари. Лизинг компанияларини ташкил этиш. Лизинг компаниялари негизида бирлашмалар ташкил этишнинг асослари. Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби. Лизинг мулкини лизинг берувчида ҳисобга олиш. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини йўлга қўйиш. Лизинг операцияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.

**Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш муаммолари**

Лизинг инфратузилмасини ривожлантириш. Лизинг муносабатларини ривожлантиришда макроиқтисодий муаммолар. Лизинг мулкини солиққа тортиш муаммолари. Лизинг операцияларини солиққа тортиш ва унда солиқ имтиёзларини қўллаш. Ўзбекистон Республикасида амортизация сиёсати ва лизинг шартномаларида тезлаштирилган амортизацияни жорий этишнинг лизинг ривожланишига таъсири. Халкаро лизинг ривожланишидаги муаммолар. Лизинг муносабатларининг асосларини такомиллаштириш. Агросаноат мажмуида лизинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари.

## 3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

**Лизинг муносабатларининг назарий асослари**

Лизинг тушунчаси Ллзингнинг тараққий этиши тарихи. Лизингнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, унинг функциялари. Лизинг муносабатларининг объектлари ва субъектлари. Лизингнинг сифат жиҳатдан афзалликлари. Лизинг турлари. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда лизингнинг ўрни. Лизинг ва кичик тадбиркорлик.

**Лизинг муносабатларининг жаҳон тажрибаси**

Халқаро лизинг, унинг ривожланиши. Жаҳоннинг етук мамлакатларида лизингнинг тараққий этиши. Жаҳон лизинг бозори. АҚШда лизингнинг ривожланиши. Японияда лизинг муносабатлари.

Ғарбий ва Марказий Европада лизинг муносабатларининг йўлга қўйилиши. Германия, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатларда лизингни ривожланиши. Халқаро молиявий лизинг тўғрисида Оттава конвенцияси.

**Ўзбекистонда лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминоти**

Лизингнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда лизингни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни. Лизингнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши. Лизинг муносабатларининг иштирокчилари. Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Лизинг берувчи ва лизинг олувчинин учинчи шахслар фойдасига ўз ҳуқуқларидан воз кечиши. Лизинг иштирокчиларининг жавобгарлиги.

Лизинг шартномаларининг иқтисодий механизми (асослаш ва тайёрлаш ҳамда услубий жиҳатдан таъминлаш)

Шартнома - лизингнинг ҳуқуқий шакли. Лизинг шартномасининг мазмуни Лизинг шартномаларини тузиш. Лизинг шартномаларини шакллари. Лизинг олди-сотди шартномаси. Асбоб-ускуналар билан таъминлаш шартномалари. Молиявий лизинг шартномаси. Кафолат келишувномалари. Гаров шартномаси. Лизинг лойиҳасининг дастлабки экспертизаси ва уни ўтказиш тартиби. Лизинг асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари экспертизаси. Лизинг олувчи фаолиятини молиявий баҳолаш. Лизинг иштирокчиларининг амортизация сиёсати ва манфаатлари. Лизинг муносабатларини пктисодий самарадорлиги. Лизинг муносабатларида рискларни баҳолаш. Лизинг муносабатларини йўлга қўйишда рискларни тақсимлаш. Лизинг фаолиятини суғурталаш. Лизинг лойиҳасини эксперт хулосаси.

**Ўзбекистонда лизинг институтларининг ривожланиш**и

Лизинг институтларини ривожлантиришнинг объектив зарурияти. Лизинг институтларининг тавсифи. Лизинг институтларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистан Республикасининг қарорлари. Ўзбекистонда лизинг институтларини ташкил этиш шакллари. Ўзбекистондаги лизинг институтларининг функциялари ва вазифалари.

**Лизинг тўловлари ҳисоби**

Лизинг тўловлари таркиби. Лизинг тўловлари турлари ва шакллари. Лизинг тўловларини ҳисоблаш услублари ва услубиёти. Лизинг тўловлари шартлари. Мулкдан фойдаланиш ва уни қайтариш.

Лизинг жараёнини бошқариш ва унинг самарадорлиги таъминлаш

Лизинг муносабатларини тартибга солиш шакллари. Лизингни бошқаришнинг ташкилий шакллари. Лизинг компанияларини ташкил этиш. Лизинг компаниялари негизида бирлашмалар ташкил этишнинг асослари. Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби. Лизинг

http:// www.ici.org/
http://www.aimr. org/
http://www.nasbic. org
http://www.hondurasinfo.hn/
http://farmbill.farmbill.unl.edu/
h t tp: //www.eaglein vsys.com/
http://ww-W-Apexvc.com

Шунингдек, республикамизда чоп этилаётган газета ва журналлардан мутахассислигига тегишли маълумотлардан, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сутурта компанияси, "Барака лизинг", "Ўзкейсагролизинг", "Ўзқишлоқмашлизинг",

"Авиализинг" компаниялари, "Кафолат", "Мадад" сутурта компаниялари, Хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси каби вазирлик ва идоёраларнинг амалий

мулкини лизинг берувчилар ҳисобга олиш. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини йўлга қўйиш. Лизинг операцияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.

**Ўзбекистонда лизингии ривожлантириш муаммолари**

Лизинг инфратузилмасини ривожлантириш. Лизинг муносабатларини ривожлантиришда макроиқтисодий муаммолар. Лизинг мулкини солиққа тортиш муаммолари. Лизинг операцияларини солиққа тортиш ва унда солиқ имтиёзларини қўллаш. Ўзбекистон Республикасида амортизация сиёсати ва лизинг шартномаларида тезлаштирилган амортизацияни жорий этишнинг лизинг ривожланишига таъсири. Халқаро лизинг ривожланишидаги муаммолар. Лизинг муносабатларининг асосларини такомиллаштириш. Агросаноат мажмуида лизинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари.

## 4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

«Инвестицион фаолиятда лизинг» фанини ўрганишда амалий ёрдам тариқасида магистрантлар лизинг операцияларини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантларга «Инвестицион фаолиятда лизинг» фанини ўрганишда турли хил ахборот воситаларидан, шу жумладан Интернет тизимидаги қуйидаги сайд ва электрон почталардан фойдаланишлари тавсия этилади:

ма териалларидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мульгимедия иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралиқ, якуний баҳолаш орқали амалга оширилади;. Жорий ва оралик. баҳолаш турига ажратилган баллар микдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланган

«Инвестицион фаолиятда лизинг» фанидан магистр тўплаши мумкин бўлган максимал балл 40 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 14, оралиқ баҳолашга ҳам 14, якуний баҳолашга 12 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида ёзма иш усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.

86 - 100 фоизгача (51,6 баллдан 60 баллгача) "аъло";

71 - 85 фоизгача (42,6 баллдан 51,5 баллгача) "яхши";

55 - 70 фоизгача (33 баллдан 42,5 баллгача) "кониқарли";

55 фоиздан кам (0 дан 32,9 баллгача) "қониқарсиз".

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эллик инвестициялари тўғрисида» ги К,онуни, 1998. 30 апрель.
2. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқукларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисмда» ги Конун. 1998. 30 апрель.
3. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию реализации проектов с иностранными инвестициями». //Народное слово. 1998. 9 февраля.
6. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О допольнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями».//Народное слово. 1998. 27 марта.
7. Ангелиди М.С. Ғозибеков Д.Г. Лизинговый кредит ва технический прогресс - Т., 1991.
8. Абдуллаева Ш. 3. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Молия, 2000.
9. Абдуллаева Ш. 3. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.
10. Ангелиди М.С. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие- Т.: ТФИ, 2000.
11. Абрютина М.С, Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учеб.-практ. пос. -М.: Дело и Сервис, 2001.
12. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик, муаллифлар гуруҳи. - Т.: Ўқитувчи, 2000.
13. Банковское дело и финансирование инвестиций, т.1, т.2. Под. ред. Н. Брука (Всемирный Банк Реконструкции и Развития) Институт экономического развития Всемирного Банка, 1995.
14. Васильев Н.М., Катырин С.Н., Лепе Л.Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. - М.: ДЕКА, 1999.
15. Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. -М.:Правовая культура, 1999. Гаремыкин В.А.Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие. - М.: ИНФРА-М, 1997.
16. Ғозибеков Д.Г., Ангелиди М.С, Каримов Н.Г. Финансовое обеспечение инвестиций в экономику Ўзбекистана. - Т., 1995.
17. Ғозибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Ўзбекистане. - Т.: Молия, 2001.
18. Игошин Н.В. Инвестиции. - М.: ЮНИТИ, 1999.
19. Ковалев В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности - М.: Финансы и статистика, 2000.
20. Радионова СП., Радионов Н.В. Оценка инвестиционных ресурсов предприятий. - М.: Альфа,2001.
21. Карп М.В., Шабалин Е.М., Эриашвили Н.Д., Истомин О.Б. Лизинг и его экономические и правовые основы. - М.: ЮНИТИ - Дана, 2001.

22. Сергеев И.В., Веретенникова Н.И. Организация и финансирования инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2000.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Лещенко М.И. Основы лизинга. Учеб. пос. - М.: Финансы и статистика, 2000.
2. Гусаков Б.И. Экономическая эффективность инвестиционной собственности. - М.: Финансы, 1998.
3. Сергеев А.А. Экономические основы бизнес планирования. - М.: ЮНИТИ - Дана, 1999.
4. Ложников А.В. Инвестиционный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001.
5. Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2001.

Москвин В.А. Кредитование инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2001.